
Сув минораси билан боғлиқ муаммо бартараф этилди

Кеча, Бағдод туманининг "Саидобод" маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Давр кўчасида ичимлик сув минорасида муаммо мавжудлиги тўғрисида фуқаролардан мурожаат келиб тушгани, кўп ўтмай туман ҳокими Юсуфжон Хусайнов ҳолатни ўрганиш мақсадида айти манзилда бўлгани ва керакли техник воситаларни жалб этган ҳолда муаммони бартараф этиш бўйича масъулларга топшириқлар берилгани ҳақида хабар берган эдик. "Фарғона сув таъминоти" МЧЖнинг туман филиали раҳбари Зафаржон Усмоновнинг маълум қилишича, кеча ва бугун олиб борилган демонтаж ишлари натижасида муаммо тўлиқ бартараф этилди. Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-08 16:58:30